



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 17 ноябрь, № 239 (9134)


Душанба

Сайтимицага ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов 16 ноябрь куни давлат ташрифи билан Тошкентга келди.



Олий мартабали меҳмонни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Икки давлат етакчилари "Тошкент-Хумо" халқаро аэропортида суҳбат ўтказдилар.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Сўнг Туркменистон Президенти

Сердар Бердимухамедовни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни шохсупага таклиф қилди.

Харбий оркестр ижросида давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қорувул тантанали равишда Президентлар олдида саф тортиб ўтди.

Ташрифнинг асосий тадбирла-

ри 17 ноябрь куни бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокаралар давомида Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклики янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлики чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 ноябрь куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Тожикистон Республикаси Президентини Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, шунингдек, БМТнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, минтақавий ҳамкорлики янада мустаҳкамлаш ҳамда устувор соҳаларда қўшма лойиҳа ва ташаббусларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Саммит аввалида давлатимиз раҳбари Озарбайжон Маслаҳат учрашувлари форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилганини мамнуният билан эълон қилди. Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, бу қарор муштарак тарих, қардошлик ришталари, маънавий ва маданий яқинлик билан узвий боғланган халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Шунингдек, ушбу стратегик қадам Маслаҳат учрашувларига кучли шиддат беришига, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликини кенгайтириш, барқарор тараққийот масалалари бўйича ҳам-жиҳатликда қарорлар ишлаб чиқиш учун янги уфқлар очишига ишонч билдирди.

— Моҳиятан биз Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустаҳкам кўприк барпо этмоқдамиз,

ҳамкорлиқнинг ягона маконини шакллантиришга йўл очмоқдамиз. Бу икки минтақанинг стратегик боғлиқлиги ва барқарорлигини кучайтириши шубҳасиз, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Сўнг Ўзбекистон етакчиси кейинги йилларда минтақада амалга оширилаётган интеграция жараёнларини қисқача таҳлил қилди. Очiq мулоқот ва биргаликдаги фаол сазй-ҳаракатлар туфайли минтақа учун долзарб бўлган қатор муаммоларга самарали ечимлар топилгани таъкидланди.

Худудий масалалар узил-кесил ҳал этилди, чегара пунктлари очилди, сув-энергетика соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди, транспорт алоқалари қайта тикланди, фаол савдо-инвестициявий ва гуманитар алоқалар учун қулай шароитлар яратилди.

— Бугунги кунда Марказий Осиё — барқарор ўсиш ва фаровонлик учун олдимизда янги имкониятлар очаётган жадал тараққийот ва самарали ҳамкорлик маконидир, — деди давлатимиз раҳбари.

Минтақа жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашмоқда: инвестициявий жозибдорлик ошмоқда, учинчи бозорларга экспорт қилиш имкониятлари кенгаймоқда, транзит салоҳияти ўсмоқда. Ўтган йили минтақа мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 10,7 миллиард долларга етди, Марказий Осиёга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 17 фоизга кўпайди.

Хавфсизлик ва барқарорлиқни

таъминлаш, терроризм ва экстремизм, трансчегаравий жиноятчилик таҳдидларига қарши курашиш масалалари бўйича тизимли чоралар кўрилмоқда.

Минтақанинг халқаро муносабатлар субъекти сифатидаги мавқеи мустаҳкамланиб, глобал масалалардаги роли ортиб бормоқда, "Марказий Осиё плюс" форматидagi муносабатлар кучаймоқда, минтақа нуфузли халқаро майдонларда ягона позиция билан майдонга чиқмоқда.

Форматга Озарбайжоннинг қўшилиши билан минтақанинг жаҳон ҳам-жамиятидаги овози янада салмоқли бўлишига ишонч билдирилди.

Ўзбекистон раислиги даврида 20 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилгани таъкидланди. Бош вазир ўринбосарлари даражасида Худудларо ҳамкорлик форуми фаолияти йўлга қўйилди, илк бор мудофаа идоралари, махсус хизматлар раҳбарлари, шунингдек, геология, саноат, қишлоқ хўжалиги, экология ва маданият вазирларининг йиғилишлари ўтказилди. Куни кеча Тошкентда Марказий Осиё давлатлари етакчи аёлларининг мулоқоти муваффақиятли ўтказилди.

Ушбу тадбирларнинг барчаси минтақавий шериклиқнинг институционал асослари ва механизмлари тизимли равишда мустаҳкамланиб бораётганидан аяқол далолат экани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЕТТИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Хурматли давлат раҳбарлари!
Хурматли саммит иштирокчилари!
Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида сизларни самимий кутлайман.

Ўзбекистон заминига хуш келибсиз!

Бугун бизнинг қардош халқларимиз учун ҳақиқатан ҳам тарихий кун. Биз Озарбайжон Республикасини Маслаҳат учрашувларимиз форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиш тўғрисида принципиал қарор қабул қилмоқдамиз.

Ушбу стратегик қадам умумий тарих, қардошлик ришталари, маънавий ва маданий яқинлик билан узвий боғланган халқларимиз манфаатларига тўлиқ жавоб беради.

Мен қатъий ишонаманки, қардош Озарбайжоннинг қўшилиши Маслаҳат учрашувларимизга кучли шиддат беради, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ҳамкорликини кенгайтириш, шунингдек, барқарор тараққийот масалалари бўйича ҳамжиҳатликда қарорлар ишлаб чиқиш учун янги уфқларни очади.

Моҳиятан биз Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида мустаҳкам кўприк барпо этмоқдамиз, ҳамкорлиқнинг ягона маконини шакллантиришга йўл очмоқдамиз. Бу икки минтақанинг стратегик боғлиқлиги ва барқарорлигини кучайтириши, шубҳасиз.

Ушбу муҳим қарор қабул қилингани учун барча хурматли ҳамкасбларимизга самимий миннатдорлик билдираман ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Гейдарович Алиевни Маслаҳат учрашувларимиз форматига тўла ҳуқуқли иштирокчи бўлиб қўшилгани билан табриқлайман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе жанобларини ушбу тарихий саммитимиздаги иштироки билан кутлаймиз.

Бугун мана шундай жўшқин муҳитда ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш бўйича сизлар билан атрофлича фикрлашиб,

муҳим қарорлар қабул қиламиз, деб ишонаман.

Хурматли делегациялар раҳбарлари!

Қадрли дўстлар!

Биз илк учрашувимиздан буён ўтган қисқа даврда жуда катта, аҳамиятига кўра тарихий йўлни босиб ўтдик. Очiq мулоқот ва биргаликдаги фаол сазй-ҳаракатларимиз натижасида минтақамиз учун долзарб бўлган қатор муаммоларга самарали ечимлар топилган муваффақ бўлдик.

Худудий масалалар узил-кесил ҳал этилди, чегара пунктлари очилди, сув-энергетика соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди, транспорт алоқалари қайта тикланди, мамлакатларимиз ўртасида фаол савдо-инвестиция ва гуманитар алоқалар учун қулай шароит яратилди.

Бугунги кунда Марказий Осиё — бу барқарор ўсиш ва фаровонлик учун олдимизда янги имкониятлар очаётган жадал тараққийот ва самарали ҳамкорлик маконидир.

Минтақамиз жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашмоқда: инвестициявий жозибдорлик ошмоқда, учинчи бозорларга экспорт имкониятлари кенгаймоқда, транзит салоҳияти ўсмоқда.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 10,7 миллиард АҚШ долларига етди. Минтақамизга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 17 фоизга кўпайди.

Мамлакатларимиз хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалалари, терроризм ва экстремизм таҳдидлари, трансчегаравий жиноятчиликка қарши курашиш борасида тизимли чора-тадбирларни кўрмоқда.

Ҳамжиҳатлик ва умумий тараққийот сари интилишини кучайтириш Марказий Осиёнинг халқаро муносабатлар субъекти сифатидаги маконини мустаҳкамлаш ва глобал миқёсдаги родини оширишга хизмат қилмоқда.

"Марказий Осиё плюс" форматидagi муносабатлар кучайди. Минтақамиз нуфузли халқаро майдонларда ягона позицияни намоён этмоқда.

Форматимизга Озарбайжоннинг қўшилиши билан минтақамизнинг дунё ҳамжамиятидаги овози янада кўпроқ аҳамиятга эга бўлиши, шубҳасиз.

Хурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистоннинг раислиги даврида ҳамкорлигимиз салоҳиятини янада ошириш мақсадида 20 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилди.

Бош вазир ўринбосарлари даражасида минтақаларо ҳамкорлик форуми иши йўлга қўйилди, илк бор мудофаа идоралари, махсус хизматлар раҳбарлари, шунингдек, геология, саноат, қишлоқ хўжалиги, экология ва маданият вазирлари йиғилишлари ўтказилди. Тошкентда Марказий Осиё давлатлари етакчи аёллари мулоқотини муваффақиятли ўтказдик.

Буларнинг барчаси минтақавий шериклиқнинг институционал асослари ва механизмлари тизимли равишда кенгайиб бераётганидан аяқол далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, яқинда ЮНЕСКО Бош конференциясининг илк бор минтақамизда — Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган тарихий 43-сессияси муваффақиятли ўтишида кўллаб-қувватлаганингиз учун барчангизга миннатдорлик билдираман.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу ноёб воқеа Марказий Осиёнинг янги тарихий шерик сифатидаги имжининг яна бир тасдиғидир.

Хурматли ҳамкасблар!

Мураккаб ва олдидан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро сиёсий жараёнлар шароитида ўзаро ҳамжиҳатлигимиз ва бир-биримизни кўллаб-қувватлашни кучайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ишончим комилки, бугун биз минтақамизнинг Янги Марказий Осиё сифатидаги тарихий уйғониш даври остонасида турибмиз.

Биз ҳамкорлигимизнинг институционал асосларини янада мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарор тараққийотга нисбатан та-

дидларга ўзаро мувофиқлаштирилган жавобни ишлаб чиқишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз.

Биз учун ҳозирнинг ўзида минтақамизни бундан 10 — 20 йилдан кейин қандай қўриши хохлашимиз билан аниқ тушунчага эга бўлиш муҳимдир.

Шу муносабат билан қатор таклифларни илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, ҳамкорлик механизмлари ва шартномавий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш принципиал аҳамиятга эгадир.

Учрашувларимизни минтақавий мулоқотнинг мустаҳкам шаклидан "Марказий Осиё ҳам-жамияти" стратегик форматига айлантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ушбу мақсад йўлида форматимиз институционал ва ташкилий асосларини изчил мустаҳкамлашни назарда тутадиган Маслаҳат учрашувлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, ротация асосида фаолият юритадиган Котибиятни таъсис этиш, миллий мувофиқлаштирувчилар маконини Президентларнинг махсус вакиллари даражасида кўтаришни таклиф этамиз.

Бундан ташқари, халқ дипломатияси соҳасидаги қадрият ва аъналаримизга таянган ҳолда, бой ҳаётий тажриба ва обрў-эътиборга эга жамоат арбобларидан иборат Оқсоқоллар кенгашини тузишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу мамлакатларимизда авлодлар ўртасидаги алоқаларни кучайтириш, шунингдек, умумминтақавий ҳамжиҳатлик ва ўзига хосликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Иккинчидан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлиқни янги сифат босқичига кўтариш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Минтақа мамлакатларининг ўзаро савдоси ва умумий тақши савдо айланмаси салоҳияти ўрта истиқболда улар ҳажмларини камда 1,5-2 баробар ошириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИНГ ЕТТИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Минтақамизни Европа мамлакатлари билан боғлайдиган Транскаспий йўлаклари бизнинг олдимизда катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Бу йўналишлардаги ишларни мувофиқлаштириш учун мамлакатларимиз бош вазирлари ўринбосарлари даражасида Инфратузилмани ривожлантириш бўйича кенгаш ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, минтақамизнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлиги бевосита бизнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги саяё-ҳаракатларимизга боғлиқ.

Бугун қабул қилинаётган Минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик концепцияси, шунингдек, Таҳдидлар ва хавфлар каталоги ушбу соҳадаги ҳамкорлигимиз самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беришига ишонаман.

Бугун минтақамиз хавфсизлиги ва барқарор тараққиётига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган Афғонистондаги вазият алоҳида диққатимиз марказида бўлиши керак.

Биз қатъий ишонамизки, Афғонистонни инфратузилмавий, энергетика ва транспорт лойиҳаларимизга интеграцияси умумий минтақавий сиёсатимизнинг ажралмас қисмига айланиши лозим.

Фурсатдан фойдаланиб, яқинда бўлиб ўтган “Фаргона тинчлик форуми”ни қўллаб-қувватлаганингиз учун сизларга алоҳида миннатдорлик изҳор этаман. Биз минтақамизда яқин мулоқот ва ўзаро ишонч руҳини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу экспертлик платформасини мунтазам ўтказиладиган халқаро анжуманга айлантириш тарафдоримиз.

Бешинчидан, экология, климат ва сув ресурслари тақчиллиги масалалари эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Биринчи Самарқанд климат форумида Марказий Осиёни “яшил” ривожлантириш концепцияси тақдим этилган эди. Ушбу ҳужжат қабул қилиниши қўллаб-қувватлашингизга умид қиламиз. Минтақада сув тақчиллиги тобора ўсиб бораётгани ва унинг барқарор ривожланишидаги салбий оқибатларини ҳисобга олиб, 2026 — 2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилишни тақлиф этамиз.

Қўшни Афғонистонни Амударё ҳавзаси сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга фаол жалб этишни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Соҳа кадрларини профессионал тайёрлашга инвестиция жалб этмасдан туриб, сув ресурсларини самарали бошқариш имкониси. Шу мақсадларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари

институт баъзида Сув хўжалиги соҳасида компетенциялар минтақавий марказини ташкил этишни режалаштирганмиз.

Сизларга маълумки, келгуси йилда мамлакатимизда Суви тежаш бўйича бутунжаҳон форуми ўтказишни режа қилганмиз. Бу борада сизларнинг қўллаб-қувватлашингизга ва анжуманда фаол иштирок этишингизга умид қиламиз.

Хурматли саммит иштирокчилари! Маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш биродар халқларимизнинг умумий интилишларига тўлиқ жавоб беради.

Бизнинг минтақа минг йиллар давомида жаҳон цивилизацияси, буюк ғоялар яратилдиган, халқларни маданий ва маънавий жиҳатдан ўзаро бойлатадиган марказлардан бири бўлиб келган.

Кеча биз сизлар билан биргаликда Ислом цивилизацияси марказида бўлди. Ушбу марказ илмий билимлар ва ғоялар яратиш, тадқиқотлар олиб бориш, умумий маданий-тарихий меросимизни оммалаштириш учун ноёб платформадир.

Марказ ёшларимиз, уларнинг илмий ва маънавий юксалиши учун хизмат қиладиган масканга айланишига умид қиламиз.

Куни кеча Тошкентда маънавий мерос ва маърифатпарварлик ғояларига бағишланган биринчи Халқаро конгресси ўтказдик. Бундай учрашувларни мунтазам ташкил этишни зарур,

деб ҳисоблайман. Конгресси ҳар йили, форматимизда раислик қилувчи мамлакатда ўтказиб боришни тақлиф этамиз.

Шу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг минтақамиз таникли олим ва мутафаккирларининг глобал маърифатпарварлик ривожига қўшган ҳиссасига бағишланган Махсус резолюциясини қабул қилиш борасида Ўзбекистоннинг ташаббусини қўллаб-қувватлашингизга умид қиламиз.

Бундан ташқари, Минтақавий илмий тадқиқотлар жағмарасини тузишни тақлиф этамиз. Бу давлатларо илмий лойиҳаларни молиялаштириш, академик ҳамжамиятни рағбатлантириш, минтақанинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, мамлакатларимизнинг устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилиш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича имкониятларимизни кенгайтиришга хизмат қилган бўлар эди. Азиз дўстлар!

Бугун қабул қилинаётган ҳужжатлар ва илгари сурилган ташаббуслар замирида барчамиз учун умумий бўлган барқарор, хавфсиз ва гуллаб-яшнаган Марказий Осиёни барпо этиш мақсади мужассамдир.

Алоҳида таъкидламоқчиман: бизнинг кучимиз — бирликда, муваффақият сари йўлимиз — дўстлик ва ҳамкорликда.

Фақат ҳамжиҳат бўлиб, ўзаро ҳурмат, бир-

дамлик ва стратегик ёндашувларга таяниб, эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин.

Хурматли ҳамкасблар! Сизларга бугунги очиллик ва ишчанлик руҳидаги чиқишларингиз, илгари сурилган конструктив ғоялар ва аниқ ҳаракат режалари учун яна бир бор самимий миннатдорлик изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ва халқимиз ислохотлар ҳамда кенгашдаги раислигимиз ҳақида билдирган самимий сўзларингиз учун барчангизга ташаккур айтаман.

Ҳеч шубҳасиз, сизлар илгари сурган барча тақлифларнинг амалга оширилиши Марказий Осиёда дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Азиз дўстлар! Фурсатдан фойдаланиб, Туркменистон Президенти, хурматли Сердар Гурбангулиев БЕРДИМУҲАМЕДОВНИ 2026 йилда, эндиликда янги — “Марказий Осиё ва Озарбайжон” форматда ўтадиган давлатлар раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида раисликни қабул қилиб олгани билан чин дилдан табриклайман.

Биз Туркменистоннинг бўлажа раислиги давридаги саяё-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз ва бу йўлда Сизга катта ютуқлар тилаб қоламан.

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари мураккаб ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро сиёсий жараёнлар шариоитида минтақа мамлакатларининг ҳамжиҳатлиги ва бир-бирини қўллаб-қувватлашини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Ишончим комилки, бугун биз минтақамизнинг Янги Марказий Осиё сифатидаги тарихий уйғониш даври остонасида турибмиз. Биз ҳамкорлигимизнинг институционал асосларини янада мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга нисбатан таҳдидларга ўзаро мувофиқлаштирилган жавобни ишлаб чиқишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз. Биз учун ҳозирнинг ўзида минтақамизни бундан 10 — 20 йилдан кейин қандай қўришни хоҳлашимиз бўйича аниқ тушунчага эга бўлиш муҳимдир, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Авалло, бугунги учрашувларни минтақавий мулоқотнинг маслаҳатлашув шаклидан “Марказий Осиё ҳамжамияти” стратегик форматига айлантириш тақлиф қилинди. Маслаҳат учрашувлари тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш, навбатма-навбат ишлайдиган Котибиятни таъсис этиш, миллий мувофиқлаштирувчилар маконини Президентларнинг махсус вакиллари даражасига кўтариш бу борадаги дастлабки қадамлар бўлиши мумкинлиги таъкидланди.

Шунингдек, Президентимиз бой ҳаётий тажрибага эга, обрў-эътиборли жамоат арбобларидан иборат Оқсоқоллар кенгашини тузиш ташаббусини илгари сурди, бу авлодлар ўртаси-

даги боғлиқликни, умумминтақавий ҳамжиҳатлик ва ўзига хосликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон етакчиси савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш вазифаси устувор экани, бу ўрта муддатли истиқболда ўзаро савдо ва умумий ташқи савдо айланиши ҳам минни 1,5-2 баробар ошириш имконини беришини кўрсатиб ўтди.

Маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, солиқ ва боғжона тартиб-таомилларини соддалаштириш, эркин иқтисодий ва саноат зоналаридан биргаликда фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

— Бизнинг нуқтаи назаримизда, юқорида кўрсатиб ўтилган барча масалаларни қамраб оладиган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича 2035 йилга бўлган даврга мўлжалланган кенг қамровли минтақавий дастурни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш савдо ҳамжамиятини сезиларли даражада ошириш учун қулай шариот яратиш имконини беради, — деди давлатимиз раҳбари.

Бундан ташқари, минтақада ягона инвестиция муҳитини шакллантириш учун Умумий инвестиция макони тўғрисидаги декларацияни қабул қилиш зарурлиги қайд этилди. Соҳадаги ёндашувларни уйғунлаштириш, виртуал савдо майдончалари ва ишончли рақамли тўлов тизимларини яратишга қаратилган Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича қўшма чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Минтақанинг юқори технологик инфратузилмаси ва транспорт-логистика салоҳиятини биргаликда ривожлантириш минтақа келажаги учун муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

— Электр станциялари ва узатиш тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар, чегара орқали ўтказиш пунктлари, “яшил йўлақлар”, оптик-толали линиялар ва бошқа объектларни қуриш ва модернизация қилиш бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган умумминтақавий лойиҳаларни амалга ошириш учун саяё-ҳаракатларимизни бирлаштиришни тақлиф этамиз, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли ва Трансафғон транспорт йўлаги қурилиши минтақаларо транспорт боғлиқлигининг устувор лойиҳалари сифатида қайд этилди. Худудни Европа давлатлари билан боғлайдиган Транскаспий йўналишлари катта имкониятларга эга эканига эътибор қаратилди.

Ушбу йўналишлардаги ишларни мувофиқлаштириш учун Бош вазир ўринбосарлари даражасида Инфратузилмани ривожлантириш кенгашини тузиш тақлиф қилинди.

Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан саммитда қабул қилинаётган ҳужжатлар — Минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик концепцияси ҳамда Таҳдидлар ва хатарлар каталоги юқори баҳоланди.

Афғонистондаги вазиятнинг хавфсизликка таъсирини ҳисобга олган ҳолда ва бутун минтақанинг барқарор ривожланиши учун ушбу мамлакатни минтақавий инфратузилма, энергетика ҳамда транспорт лойиҳаларига интеграция қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари яқинда ўтказилган “Фаргона тинчлик форуми”ни аъёнани халқаро форумга айлантириш зарурлигини билдирди.

Минтақа мамлакатлари учун эколо-

гия, климат ва сув ресурслари тақчиллиги масалалари тобора долзарб бўлиб бораётган шариотда Марказий Осиёнинг “яшил” тараққиёт концепциясини тез фурсатда қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақада сув танқислиги ортиб бораётганини ҳисобга олиб, 2026 — 2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш тақлиф этилди.

Қўшни Афғонистонни Амударё ҳавзаси сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга фаол жалб қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Сув хўжалиги соҳасида кадрларни профессионал тайёрлашга сармоя киритиш мақсадида Ўзбекистон Президенти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини негизда Сув хўжалиги соҳасидаги минтақавий ваколатлар марказини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йили юртимизда ўтказишни режалаштирилган суви тежаш бўйича Бутунжаҳон форумида фаол иштирок этишга чакирди.

Маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода, Ислом цивилизацияси маркази ёшлар, уларнинг илмий ва маънавий маърифати учун жозибдор масканга айланишига умид билдирилди.

Шунингдек, саммит арасида пойтахтимизда илк бор ўтказилган Маънавий мерос ва маърифат масалалари бўйича халқаро конгресси мунтазам ўтказиб бориш тақлиф этилди.

Ушбу мавзунини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Президенти мин-

тақамизнинг атоқли олим ва мутафаккирларининг глобал маърифат ривожига қўшган ҳиссасига бағишланган БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Илмий-таълим кооперацияси доирасида давлатларо лойиҳаларни молиялаштириш, академик ҳамжамиятни рағбатлантириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш имкониятларини кенгайтириш учун Илмий тадқиқотлар фондини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Ўзбекистон етакчиси сўзининг якунида қабул қилинаётган ҳужжатлар ва илгари сурилаётган ташаббусларда барқарор, хавфсиз ва фаровон Марказий Осиёни барпо этишдек умумий мақсад мужассам эканини таъкидлади.

— Алоҳида таъкидламоқчиман: бизнинг кучимиз — бирликда, муваффақият сари йўлимиз — дўстлик ва ҳамкорликда. Фақат ҳамжиҳат бўлиб, ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва стратегик ёндашувларга таяниб, эзгу мақсадларимизга эришишимиз мумкин, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Туркменистон Президентини 2026 йилда давлат раҳбарларининг “Марказий Осиё ва Озарбайжон” янги форматда бўлиб ўтадиган Маслаҳат учрашувида раисликни қабул қилиб олгани билан табриклади.

Сўнг Марказий Осиё давлатлари ва Озарбайжон етакчилари сўзга чиқди. БМТнинг Марказий Осиё мамлакатлари учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Каха Имнадзе БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг муносабатини ўқиб эшиттирди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви

яқунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди.

Бундан ташқари, Президентлар қуйидаги муҳим ҳужжатларни қабул қилдилар:

— Қирғиз Республикасининг 2027-2028 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг муваққат аъзолигига номзодо юзасидан БМТга аъзо давлатларга мурожаат;

— Озарбайжон Республикасининг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида тўла ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этиш тўғрисидаги қарор;

— Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик концепцияси;

— Марказий Осиё хавфсизлигига хатарларнинг каталоги ва уларнинг олдини олиш бўйича 2026 — 2028 йилларга мўлжалланган чоралар.

Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувида бугун сифат жиҳатдан янги давр бошланди. Музокараларни очқ ва юзма-юз олиб бориш аъёнани қўшни давлатлар ўртасида ишончли кучайтиришга замин яратмоқда.

Тошкентдаги учрашув ана шу ижобий динамиканинг узвий давоми сифатида Марказий Осиёнинг янги бурилиш нуқтасига айланганини яна бир бор тасдиқлади.

Марказий Осиё мамлакатларининг тарихий саммити дастуридаги воқеалар яқунлангач, “Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Озарбайжон Президентларини самимий кузатиб қўйди.

17 ноябрь куни Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг мамлакатимизга давлат ташрифининг асосий тадбирлари бўлиб ўтди.

Ў.А.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган тизимли ўзгаришлар ва глобал хатарлар Марказий Осиё минтақаси мамлакатларини ўзаро яқин ҳамкорликка ундаётган муҳим омиллардан бирига айлиниб, иқтисодий ва стратегик манфаатларни уйғунлаштириш, интеграция жараёнларини чуқурлаштириш заруратини янада кучайтирди.

Акс садо

Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасидаги ушбу яқинлашув нафақат иқтисодий тараққиётни таъминлаш, балки минтақавий хавфсизлик, ижтимоий барқарорлик ва инновация ривожланиши рағбатлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ургулаш керакки, минтақанинг дунё ҳамжамиятига янги, кучли, рақобатбардosh ҳудуд сифатида намоён бўлишида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари алоҳида ўринга эга. Ушбу учрашувларда минтақанинг бугунги тараққиёти ва келажакда дахлдор стратегик масалалар муҳокама қилиниб, ҳамкорликда улар-

шув ва умумий келажақ руҳи ҳозирги кунда минтақавий жиқлашуви янада мустаҳкамлаш, яъни барқарор ва ўзаро боғлиқ, фаровон Марказий Осиёни биргаликда барпо этишнинг энг муҳим таянчидир.

Кейинги йиллардаги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва амалий ҳаракатлари, келажақ учун масъулият ҳисси, яхши кўнчилиқ, дўстлик ва ўзаро манфаат тамойилларига содиқлиги шуни исботладики, Янги Марказий Осиё тинчлик, барқарор тараққиёт ва яратувчан шериклик йўлини танламоқда. Рамзий маънода айтганда, яқин-яқингача қўшнилар ўртасидаги қалин тўсиқлар ўрнида равон йўллар пайдо бўлди.

Бу ўзгаришлар эса аини пайтда минтақа мамлакатларининг иқтисодий кўрсаткичлари ўсишига ҳам муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон-

да саноат улуши ортиб бораётган бўлса, Қирғизистон ва Тожикистонда энергетика, гидроэнергетика ва қишлоқ хўжалиги сектори етакчи ҳисобланади. Шунингдек, IT, рақамли хизматлар, агротехнология ва қайта тикланувчи энергия манбалари янги “ўсиш нуқталари” сифатида намоён бўляпти.

Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнлари чуқурлашар экан, бу нафақат иқтисодий самара, балки сиёсий барқарорлик ва минтақавий ишончнинг мустаҳкамланишига ҳам хизмат қилади. Давлат раҳбарлари даражасидаги мулоқот, очиллик ва умумий мақсадларга қаратилган ислохотлар натижасида минтақанинг глобал иқтисодий майдондаги аҳамияти янада ошиб бораверади.

Шухрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Форум

Транспорт ва логистика истиқболлари

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва йўловчи ҳамда юк ташиш хизматларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаетир.

Мазкур стратегия доирасида мамлакат орқали ўтадиган транзит юклар айланмаси 16 миллион тоннагача етакчилиши белгиланган бўлиб, темир йўли йўналишларида юкларни етказиб бериш вақти қарийб 40 фоизга қисқариши режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, йўловчи ва юк ташиш хизматлари ҳажми уч баробар оширилиши назарда тутилган. Темир йўл тармоқларини электрлаштириш даражаси 65 фоизга кўтарилиши, ҳаво қатновлари эса тўрт баробарга кўпайиши мақсад қилинган.

Шунингдек, барча аэропортларда “Очк осмон” тартибининг жорий этилиши ҳамда мамлакат авиапаркини 100 та етказиш кўзда тутилган.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган ХТФ (ITF) Осиё мамлакатлари учун IV юқори даражадаги мулоқоти, “Uzbekistan airports, aviation & Logistics forum” халқаро авиация форуми ҳамда “Транспорт ва логистика — TransLogistica Uzbekistan 2025” 21-халқаро кўргазмаси ана шундай устувор вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Соҳа равнақи йўлида ташкил этилган ушбу тадбирлар минтақавий ва глобал муаммоларни муҳокама қилиш, энг яхши тажрибаларни алмашиш, инфратузилмани ривожлантириш ҳамда рақамли трансформациядаги ёндашувларни мувофиқлаштириб, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Маълумот учун, ITF бугунги кунда 69 та аъзо давлатни бирлаштирган ва у транспорт сиёсати бўйича дунёдаги етакчи халқаро давлатларо фикр маркази ҳисобланади. Ўзбекистон 2020 йилда ITFга қўшилган бўлиб, шу даврдан буён юк логистикаси, алоқалар ва барқарорлик йўналишларида фаол ҳамкор сифатида иштирок этаётир.

Айтиш жоизки, бундай ташаббус транспорт, логистика ривожига муҳим бўлиб, юк ташиш алоқаларини кучайтириш, инфратузилмани ривожлантириш ва рақамли трансформация бўйича ёндашувларни мувофиқлаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, бу Ўзбекистонни Осиё ва Европа ўртасида боғловчи, барқарор транспорт марказига айлантириш йўлидаги муҳим қадамдир.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИНГ МУҲИМ ДАВРИ

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида мамлакатнинг ташқи иқтисодий сиёсатида аънанавий шериклар билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик географиясини кенгайтириш, хусусан, Европа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни чуқурлаштириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ушбу йўналишда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи (ЕИ), хусусан, Германия, Франция, Италия, Испания каби юқори иқтисодий салоҳиятга эга давлатлар билан муносабатлари янги босқичга кўтарилди.

Биз ва жаҳон

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар мустақилликнинг илк йилларида, аниқроғи, 1992 йил 15 апрелда имзоланган Ўзаро англашув меморандуми билан бошланган бўлиб, бу ҳужжат икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини яратди. Кейинчалик, 1996 йил июнь ойида Флоренция шаҳрида имзоланган “Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим” муносабатлари янги даражага кўтарди. Мазкур битим доирасида “Ўзбекистон — ЕИ” форматига 6 та қўшма орган ташкил этилди.



Саммит давомида Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги муносабатларни янги даражага олиб чиқиш, транспорт ва энергетика инфра-тузилмасини интеграциялаш, экологик барқарорлигини таъминлаш ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, “яшил” иқтисодиёт ва инклюзив ривожланиш йўналишларини кўллаб-қувватлаш бўйича қатор келишувларга эришди.

Шу билан бирга, 1995 йилда Брюсселда Ўзбекистон элчихонасининг очилиши, кейинчалик эса 2011 йилдан бошлаб Тошкентда Европа Иттифоқининг дипломатик ваколатхонаси фаолиятининг йўлга қўйилиши икки томонлама муносабатларни институционал жиҳатдан мустаҳкамлади.

Муносабатларнинг янги босқичи сифатида 2022 йил июль ойида “Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим” (КШХТБ)нинг тасдиқланиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Ушбу ҳужжат икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, 2022 йил 18 ноябрь кuni Самарқанд шаҳрида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи: глобал дарвоза” мавзусидаги илк конференциянинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ва ташаббускорлик салоҳиятини яна бир бор намоён этди.

2025 йилнинг 3-4 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида тарихий аҳамиятга эга воқеа — Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги илк саммит бўлиб ўтди. Мазкур учрашув минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичга қадам қўйганини, Европа ва Марказий Осиё муносабатларининг стратегик мазмун касб этаётганини яна бир қарра исботлади.

иқтисодий фаолиятида ЕИнинг стратегик аҳамияти тобора ортиб бораётганини тасдиқлайди.

Экспорт таркибига кимёвий маҳсулотлар 54 фоиз, тўқимачилик маҳсулотлари 8,4 фоиз, қора ва рангли металллар 8,2 фоиз, хизматлар эса 15 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон иқтисодиётининг диверсификацияланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ҳиссаси ошиб бораётганини кўрсатади. 2024 йилда ЕИга экспорт ҳажми 1,7 миллиард долларга етган бўлиб, бу 2017 йилдагига нисбатан 3,6 баробар кўп. Шу билан бирга, ЕИдан импорт ҳажми ҳам 2,2 баробарга ошиб, 4,7 миллиард долларни ташкил қилди.

Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистон ташқи савдосида Германия (19,1 фоиз), Италия (17,8 фоиз), Франция (9,6 фоиз) ҳамда Польша (8,6 фоиз) етакчи шериклар сифатида ажралиб турибди. Бу давлатлар нафақат савдо, балки инвестиция ва технологиялар соҳасида ҳам муҳим ҳамкорлар ҳисобланади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги инвестициявий ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб, мамлакат иқтисоди-

рикликнинг ҳам янги босқичини бошлаб бермоқда. Бу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш билан бирга, мамлакатни Марказий Осиёда барқарор ривожланиш марказига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Бирлашган ўзар

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида глобал ноаниқлик ва сиёсий беқарорлик тенденциялари сақланиб қолмоқда. Дунё сиёсий-иқтисодий тизимидаги етакчи давлатлар кўп қутбли дунё тартибини шакллантириш ва унда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун турли шаклларда рақобат олиб бормоқда. Бундай шароитда Марказий Осиё минтақаси барқарор ривожланаётган, ҳар томонлама ҳамкорликка очик ва дунё иқтисодиёти учун муҳим геостратегик макон сифатида ажралиб турибди.

Кейинги пайтда Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ташқи иқтисодий ва сиёсий босимларга нисбатан барқарорлигини намоён қилмоқда. Шу боис бу-гун минтақа халқаро инвесторлар нигоҳида ижтимоий жиҳатдан барқарор, иқтисодий жиҳатдан жо-

қавий иқтисодий интеграциянинг кучайиши билан изоҳланади.

Ўзбекистон иқтисодиёти ҳам шундай ижобий тенденцияларни намоён этмоқда. Банк ҳисоботларига кўра, 2025 йил ва ундан кейинги даврда мамлакат иқтисодиётининг ўсиш суръати 6,7-6,8 фоиз атрофида бўлиши кутилмоқда. Бу эса амалга оширилаётган ислохотлар ва хорижий ҳамкорлик сиёсатининг самарадорлигини тасдиқлайди.

Марказий Осиё мамлакатлари билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар ҳам изчил ривожланмоқда. Ҳамкорлик йўналишлари демократик институтларни кўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, “яшил” ўсишни таъминлаш, рақамли технологияларни жорий этиш, фан ва таълим соҳасида инновацияларни кенгайтириш, савдо сиёсатини эркинлаштириш ҳамда иқлим ўзгаришига қарши биргаликда курашиш каби устувор соҳаларни қамраб олмақда.

2025 йил 24 октябрь кuni Брюссель шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен иштирокида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Томонлар ушбу ҳужжатни стратегик ҳамкорликнинг янги даврини бошлаб берувчи тарихий қадам сифатида баҳолади. Зотан, битим Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан савдо, энергетика, транспорт, “яшил” иқтисодиёт ва рақамли технологиялар соҳаларидаги алоқаларини янги босқичга олиб чиқиши муқаррар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Европанинг йирик компания ва молия институтлари раҳбарлари билан учрашувда инвестицияларни кенгайтириш, муҳим минералларни чуқур қайта ишлаш, энергетика ва IT соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари сурди. Учрашув натижасида умумий қиймати 10 миллиард еврони ташкил этувчи янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг “яшил” иқтисодиёт, энергетика тизимини модернизация қилиш, транспорт-логистика инфра-тузилмасини ривожлантириш ҳамда рақамли трансформация ва инсон капиталига сармоя киритиш йўналишларида Европа билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Мазкур битим Ўзбекистон — Европа муносабатларида янги саҳифани очиб, ўзаро ишонч, барқарор ривожланиш ва узоқ муддатли шериклик йўлида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

Акмал АБДУВОҲИДОВ, Гулистон давлат университети доценти.



ЯНГИЛИКЛАРИ ЯПОНИЯ ЎЗБЕКИСТОНГА ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

Ўзбекистон — Япония ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Бу тиббиёт соҳасидаги алоқаларда ҳам яққол сезилади. Япония ҳукуматининг грант дастури доирасида маммография аппаратларини етказиб бериш лойиҳаси шу йўлдаги навбатдаги муҳим қадам ҳисобланади.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати хабарига кўра, мазкур лойиҳа 2025-2026 йилларга мўлжалланган бўлиб, 5,7 миллион АҚШ доллари қийматидаги энг замонавий япон тиббий ускуналарини етказиб бериш вазифаларини ўз ичига олади. Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистонда аёлларни кўкрак бези саратонини эрта аниқлашга қаратилган скрининг дастурлари билан тўлиқ қамраб олишдан иборат.

Маммография ускуналари бутун мамлакатимиз бўйлаб туман тиббиёт бирлашмаларига тақдим қилинади.

САЛОМАТЛИК МАРАФОНИ

Тиббий профилактика, касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва соғлом турмуш тарзи тарғибига қаратилган Саломатлик марафони давом этмоқда.



Нукусда старт олган марафоннинг навбатдаги мазли — кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳри. Бу ерда жорий йил 17 ноябрдан 17 декабргача оилавий поли-клиникалар, вилоят ҳамда республиканинг етакчи шифокорлари ва бир гуруҳ хорижий мутахассислар томонидан аҳолининг барча қатлами тиббий қўриқдан ўтказилади.

Текширув натижалари “DMED” ягона электрон ахборот тизимига киритилиб, келгусида фуқароларнинг саломатлиги доимий мониторинг қилиб борилади.

АҲОЛИНИНГ ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ТИББИЙ КАРТАСИ ЯРАТИЛДИ

Бугунги кунда тиббиётни рақамлаштириш ишлари бутунлай янги босқичга кўтарилмоқда.



Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида 20 дан ортиқ модулларни ўз ичига олган “DMED” ягона электрон ахборот тизими яратилиб, 36 миллиондан ортиқ аҳолининг тиббий маълумотлари дастур базасига киритилди. Юрtdошларимизнинг ягона электрон тиббий картаси (MED-ID) шакллантирилди. Қирққа яқин клиник йўналишлар бўйича 400 дан ортиқ протокол ва даволаш стандартлари орқали ташхислаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Юнусобод туманида тажрибасинов тарихида “Электрон рецетп” тизими тўлиқ ишга туширилди. Ушбу тизим орқали контрафакт, сифатсиз, қалбаки дори воситаларини реализация қилиш ҳолатларининг олди олинади.

«Халқ сўзи».

Қарор ва ижро

ЛАЛМИ ЕРЛАР БОҒ ВА УЗУМЗОРГА АЙЛанаДИ

Нурота тоғ тизмаларининг офтобруй этакларида хатирчиликлар азал-азалдан лалмикор деҳқончилик билан шугулланишган. Бироқ иқлим ўзгариши зироатчиликнинг бу йўналишида ўзини оқламай қўйганига анча бўлди. Натижада юзлаб томорқа эгалари даромадсиз ва минглаб аҳоли ишсиз қолди.

Президентимизнинг 2025 йил 1 апрелдаги “Республика ҳудудларини жадал комплекс ривожлантириш учун танлаб олинган туман (шаҳар)ларда амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида”ги қарориди Хатирчи туманидаги лалми ерлардан унумли фойдаланиш, уларни суғориладиган майдонларга айлантириш вазифалари белгиланиши ўнлаб ҳудудларда аҳолига қувонч бағишлади.

— Мазкур қарорга мувофиқ, Кўксарой маҳалласи ҳудудидаги фойдаланилмаётган 300 гектар ер майдонидида мевали боғ ва узумзорлар ташкил этилмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Абдумалик Юсупов. — Шу мақсадда 10 та тик қудуқ қазилиб, 10 та трансформатор ўрнатиш ҳамда 3 270 метр электр тармоқларини тортиш ишлари бажарилди.

Аҳолига ижара асосида ажратилган 370 гектар майдонга сув чиқариш ва сув таъминоти оғир бўлган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида 15 донга тик қудуқ қазилди, 15 донга трансформатор ўрнатиш ҳамда 13 километр электр тармоғини тортиш режалаштирилган.

Туманда 1 270 гектар лалми ер ўзлаштирилиб, боғлар, узумзорлар ва полиз экинзорлари барпо этилди. Энг муҳими, шу билан машур брендга айланган Учқора майизи ва Кўксарой анорлари бозорларимизда янада кўпайиши, шубҳасиз.

Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).


АСРИЙ ОРЗУ РЎЁБГА ЧИҚДИ

Ромитан туманидаги Ўтабек маҳалласида оз эмас, кўп эмас, 3078 нафар аҳоли яшайди. Тоза ичимлик суви таъминоти масаласи бу ерда асрий муаммо, десак, муболага эмас. Одамлар четдан машиналарда келтирилган сувни сотиб олишади. Ниҳоят, бу ҳолга барҳам берилди.

Инсон қадри учун

— Туманда сув таъминоти тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда, — дейди маҳалла раиси Бахриддин Камолов. — Икки йил давомида бажариладиган ишлар натижасида ҳудудимиздаги барча қишлоқлар марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланган. Насиб этса, водопровод жўмрақларидан зиёло сув оқади. Аҳоли таъминоти енгиллашади. Бу юртимизда “Инсон қадрини учун” таъминоти ишчиллик билан амалга оширилаётганини яна бир тасдиқидир.

Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда рўёбга чиқарилаётган лойиҳанинг умумий қиймати 28,6 миллион АҚШ доллари тенг. Унга кўра, “Челонгу”, “Марказий”, “Хосса”, “Муғонча”, “Ўтабек” сув тақсимлаш иншоотларини реконструкция қилиш, “Арабон” сув тақсимлаш иншоотини



атрофида эди. Давлатимиз томонидан халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилган ишлар аҳолининг тубдан ўзгартирди. Сув тозалаш ва тарқатиш иншоотлари реконструкция қилинди, юзлаб километр узунликда қувурлар тортилди. Илгари одамлар четдан келтирилган обиҳаётни сотиб олиб, қўлбола қудуқларда сақлашув, уни 20 — 30 кун давомида истеъмол қилишарди. Ҳолбуки, шифокорларнинг таъкидлашича, тургун сувда микробларнинг кўпайиши учун қўлай муҳит юзга келади. Турли касалликлар келиб чиқиши эҳтимоли юқори. Энди эса ортиқча ташвишга ҳам, хавотирга ҳам ҳолат йўқ.

Эътиборлиси, вилоятда бу борада амалга оширилаётган ишлар қўлами тобора кенгаймоқда. Натижаси ҳам кўзга яққол ташланиб қолди. Агар 2016 йилда вилоятда марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 54,4 фоизни ташкил қилган бўлса, айтилган дамба бу кўрсаткич 74,3 фоизга етди. Шу кунларда Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан биргаликда қиймати 633,5 миллион АҚШ доллари тенг яна бир лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда. Икки босқичли бу лойиҳа натижасида вилоятнинг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик кўрсаткичи 98 фоизга, оқова сув хизмати даражаси эса 40 фоизга етиши кутилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).



Келгуси йилдан барча тиббиёт олийгоҳларида олий ҳамширалик иши йўналиши очилади ва квота 2 қарра, 2027 йилдан эса камида 20 фоиздан ошириб борилади.

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: РАҚАМЛИ УЙҒОНИШДАН РАҚАМЛИ ЮКСАЛИШ САРИ



“Миллатни уйғотиш — уйғонганларнинг вазифаси”, деган эди Абдулхамид Чўлпон. Бугун бу сўзлар янги маъно-мазмун касб этиб, рақамли даврдаги модернизациялашни ҳам ифодалай бошлади, десак, муболага эмас. Зотан, юртимизда кечаётган рақамли ўзгаришлар, давлат бошқаруви, таълим, иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларида сунъий интеллект (СИ) ечимларининг жорий этилиши — ушбу жараённинг амалий натижасидир.

Бугуннинг гапи

тараққиётнинг пойдевори сифатида кўрсатди.

Бу қараш 2023 йилда амалий шаклини олди. БАА, Саудия Арабистони ва Сингапур билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши натижасида Ўзбекистон “рақамли дипломатия” тамойилини қўллади. Президентимизнинг 2023 йил 4 апрелдаги БАА делегацияси билан урчулдан аниқлашган “инновация — бу янги сиёсий имконият” деган ғоя СИ сиёсатини давлат мустақиллигини таъминловчи омил сифатида кўрсатди. Шу орқали Ўзбекистон глобал инновацион тармоқлар билан боғланиб, ўз интеллектуал худудини кенгайтиришга киришди.

Шу тариқа, 2022-2023 йиллардаги ташаббуслар Ўзбекистон сиёсатида янги модели яратди: маданият + инновация + сиёсат = интеллектуал давлат. Сунъий интеллект эндиликда миллий ўзлиқни глобал жараёнга интеграцияловчи восита сифатида жамият ҳаётига татбиқ этилди. Бу ғоя кейинчалик 2024 йилда қабул қилинган Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси учун ғоявий асос бўлди. Содда қилиб айтганда, юртимизда сунъий интеллект аввал фалсафа, сўнг стратегия, кейин сиёсат даражасига кўтарилди.

Президентимиз шу йилнинг 21 октябры кuni бўлиб ўтган давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва худудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишида “**Инновация — сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Қайси соҳа бўлмасин, ким бу жараёнда изланса, марра шуники бўлади**”, дея алоҳида таъкидлади. Сўнги уч йилда давлат раҳбари сунъий интеллектни янги тараққиёт мафқураси даражасига кўтаргани замирида ҳам замон билан ҳамқадам бўлиш, илгорлар сафига туришдек мақсад-муддао мўжассам. Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон сўнги йилларда “Сунъий интеллектга тайёрлик” халқаро индексиде 17 поғона кўтарилиб, ушбу юқори технологияларни жорий қилиш бўйича Марказий Осиёда биринчи ўринга чиқиб олди.

Миллат тафаккурининг янги шакли

Давлатимиз раҳбарининг олиб борган тизимли ислохотлари негизда инсон тафаккурида янгиликларга очкилик ва уйғонишни ҳосил қилмасдан рақамли тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмайди, деган ҳаёт ҳақиқати мўжассам эканини англаш ўта муҳим. Негаки, у сунъий интеллектни фақат технология воситаси эмас, балки миллат тафаккурини янгилашнинг сиёсий қалти сифатида илгари сурмоқда.

Президентимизнинг 2022 йили халқаро инвестиция форумидаги чиқиши, таъбир жоиз бўлса, ана шу ғоянинг амалий ибтидоси бўлди. У сунъий интеллектни миллий илмий мерос билан боғлаб, Ал-Хоразмий, Ибн Сино ва Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз таърибасини эслатди. Бу нафақат рамзий ишора, балки давлат сиёсатининг янги йўналиши — илм, тафаккур ва рақамли тараққиёт бирлиги эди. Давлатимиз раҳбарининг “алгоритм” атамаси бизнинг замонда туғилганини эслатиш орқали айтмоқчи бўлган асосий фикри шунда эдики, сунъий интеллект бизнинг тарихий илдиэларимиз билан боғлансагина миллий хусусият касб этади. Орадан кўп ўтмай, Юртбошимиз Остона саммитида “билимлар иқтисодиёти” ва “инновациялар трансфери”ни барқарор

изчил қадам сифатида баҳолаш шайтани диктатга сазовор.

Таъкидлаш керакки, юртимизда “MyID”, “UzFace” ва “Uzbekkosmos” каби миллий платформалар орқали сунъий интеллект ечимлари амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Улар тўғрисида таърибга асосда ушбу жараённи тизимли йўлга қўйиш чора-тадбирлари кўриляпти. Шу мақсадда сунъий интеллектни жорий қилиш бўйича миллий стратегия ишлаб чиқилаётгани айни муддао бўлди. Бу мамлакатда СИ сиёсати илк бор аниқ ҳуқуқий асос ва институционал тузилмага эга бўлаётганидан далолат.

Кувонарлиси, ушбу жараён ўз моҳияти билан жазон амалиётини иқтисодий ва технология трансформация тенденцияларига ҳамроҳ равишда кечмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2024 йилдаги Парламент сайловларидан кейинги биринчи мажлисида Президентимиз сунъий интеллект билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурлигини таъкидлади. Бу қадам СИ сиёсатининг конституциявий босқинчи том маънода янги даражага олиб чиқди. 2025 йил 15 апрелда қўйи палата мажлисида айни масаладаги қонун лойиҳаси концептуал мўҳоқамага чиқарилди.


Президентимиз Шавкат Мирзиёев йиғилишида сунъий интеллект соҳасидаги стартапларни молиялаштириш, венчур экотизимини ривожлантириш ва хусусий сектор иштирокини кенгайтиришни устувор йўналиш сифатида белгиледи. Тақдиротда Ўзбекистон иқтисодиётига жами 134 миллион доллар сармоя жалб қилингани қайд этилди. Бу йўналишга жиддий эътибор қаратилаётгани жазон амалиёти билан изоҳланади. Масалан, “StartupHub.ai” таҳлилларига кўра, 2024 йилда глобал миқёсда сунъий интеллект стартапларига 103 миллиард доллар микдорда сармоя киритилган. Венчур экотизимини ривожлантириш борасидаги қатъий позициясини Ўзбекистон инновация экспорти ва интеллектуал сармоя марказига айлантириш йўлидаги стратегик қадам сифатида баҳолаш мумкин.

Сунъий интеллект энди иқтисодий драйвердан ҳам юқори — миллий суверенитет ва сиёсий барқарорлиқни таъминловчи стратегик омилга айланди. Ҳар бир сармоя, ҳар бир инновация ортида давлатнинг глобал рақобатдаги нуфузини мустаҳкамлаш ғояси мўжассам. Шу тариқа, иқтисодий ислохотлар сиёсий модернизациянинг амалий ифодасига айланган ва Ўзбекистон сунъий интеллектни давлат сиёсатининг янги стратегик сиёсий категорияси сифатида шакллантирди.

Ишлаб чиқариш занжирига интеграция

Соҳа мутахассисларининг эътирофи эътиҳа, 2025 йил Ўзбекистон

Сунъий интеллект энди иқтисодий драйвердан ҳам юқори — миллий суверенитет ва сиёсий барқарорлиқни таъминловчи стратегик омилга айланди.



Ҳар бир сармоя, ҳар бир инновация ортида давлатнинг глобал рақобатдаги нуфузини мустаҳкамлаш ғояси мўжассам.

Шу ташаббус доирасида қонун лойиҳаси парламент қўйи палата-дан концептуал мўҳоқамадан ўтгач, Сенатнинг 2025 йил 11 ноябрдаги ўн биринчи ялпи мажлисида ҳам кўриб чиқилди. Ялпи мажлисида таъкидланганидек, мазкур ҳужжат ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши шартотида сунъий интеллект тизимларини инсон ҳуқуқлари, маълумот хавфсизлиги ва давлат бошқарувининг самардорлигини таъминловчи омил сифатида тартибга солишни кўзда тутди. Бу ташаббус нафақат сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга, балки улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ва этик асосларини белгилашга ҳам йўл очди. Унинг қабул қилиниши орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат маълумот тизимларининг шаффофлиги ҳамда ахборот хавфсизлиги янги босқичга кўтарилади. Қонун Сенат аъзолари томонидан бир овоздан маъқуланган ва натижада Президентимиз ташаббуси билан бошланган сунъий интеллект сиёсатининг ҳуқуқий пойдевори тўлиқ шаклланди, десак, муболага бўлмайди.

2024 йил 27 декабрь кuni бўлиб ўтган сунъий интеллект технологиялари ва телекоммуникация соҳасини ривожлантиришга бағишланган тақдиротда рақамли иқтисодиёт янги босқичга қадам қўйганини кўрсата олди.

тонда сунъий интеллект сиёсатининг институционал интеграция босқичи сифатида тарихда қолади. Бунинг учун асослар етарли, албатта. Айтилик, йил бошида Президентимизнинг БААнинг сунъий интеллект вазири Умар бин Султон ол-Олама билан учрашуви мамлакатнинг СИ дипломатиясини янги босқичга олиб чиқди. “Presight”, “AIQ”, “KhaZna” компаниялари ҳамда Мўҳаммад бин Зоид университетини билан ўтказилган музокаралар орқали Ўзбекистон сунъий интеллект соҳасида давлатлараро ҳамкорликни тизимли асосда йўлга қўйди. Бу нафақат технология соҳасидаги шериклик, балки илмий билимлар, маълумотлар хавфсизлиги ва инвестиция сиёсатини қамраб олган “ақли дипломатия” моделига айланди.

2025 йил 5 март кuni бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида сунъий интеллектни давлат

“Ўзбекистоннинг бу йўлдаги энг катта ютуғи — СИ “сиёсатини инсон — давлат — интеллект” уйғунлиги асосида қуришдир. Бу уқлик замонавий давлат тафаккурининг янги моделини яратди: инсон марказида турган давлат, интеллектуал таҳлил асосида ишлайдиган бошқарув ва миллий қадриятлар билан уйғун технологик тизим. Ҳа, бу технологик қадриятдир. Эҳтимом, кўпгаб юртдошларимиз сунъий законинг жамиятга шиддат билан кириб келаётганига таажубланар. Аммо бу жараён тасодиф эмас — у узок стратегик ёндашув, рақамли уйғониш йўлида фидойий меҳнат қилаётган уйғонганларнинг сай-ҳаракатлари маҳсулидир.

бошқарувида назорат ва таҳлил механизми сифатида амалиётга татбиқ этиш масаласи кўтарилди. Президентимиз топшириғига кўра, давлат харидларини таҳлил қилиб, ноқонуний ҳолатларни аниқлайдиган электрон тизим ишлаб чиқиш бошланди. Бу янги ақли назорат механизми давлат бошқарувидаги шаффофликни таъминлаш билан бирга, сиёсий бошқарувда сунъий интеллектнинг амалий қўйиматини намоён этди. Бу ташаббус жазон амалиётини тенденцияларга ҳамроҳ бўлди. Масалан, Эстония давлат бошқарувида СИ асосидаги “KratTA” тизимини жорий қилиб, бюрократик хатоларни 30 фоизга қисқартирди. Сингапур эса “Cogrupt Practices Investigation Bureau AI System” орқали давлат харидларида шубҳали операцияларни аниқлаш самардорлигини 40 фоизга оширган.

Йилнинг иккинчи ярмида интеграция соҳавий даражага кўтарилди. 9 сентябрда Президентимиз раислигида мактабга ҳамда таълим соҳасидаги ислохотлар ижроси ва келгусидаги устувор вазирлар юзасидан видеоселектор йиғилишида қабул қилинган қарорга кўра, 1-синфдан ахборот технологиялари, юқори синфларда эса сунъий интеллект фанлари жорий этилди. Бу қарор давлат раҳбарининг узокни кўзлаган таълим стратегиясининг бир қисми бўлиб, жазон амалиётини илгор моделларга ҳамроҳдир. Масалан, Жанубий Кореяда 2022 йилдан бошлаб мактаб таълимида “AI literacy” йўналишидаги дастурлар босқичма-босқич жорий этилмоқда ва 2025 йилга қадар уларни барча босқичларга кенгайтириш режалаштирилган.

Сингапурда эса бошқарув мактабларда “AI for Fun” каби модуллар синхрон тарихида жорий қилинган бўлиб, бу орқали ёшларнинг рақамли саводхонлиги ва “STEM” соҳаларидаги кўникмалари изчил оширилмоқда.

2025 йил 9-10 октябр кунлари бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Россия” форматдаги иккинчи саммит ҳамда МДҲ Давлат раҳбарлари кенгаши йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев минтақавий эксперт кенгашлари ва сунъий интеллект ҳамкорлик платформаларини яратиш ташаббусини илгари сурди. Бу ташаббус Марказий Осиёдаги рақамли сиёсатнинг янги интеграцион моделини белгилади, десак, адашмаймиз.

Технологик қадрият

2025 йил 21 октябрда ўтказилган йиғилишида Президентимиз сунъий интеллектни Ўзбекистоннинг янги тараққиёт йўналиши бўлиши кераклигига алоҳида тўхталиб, кимки уни ўз соҳасига фаол жорий этса, маррани забт қилишни таъкидлар экан, мажозан рақамли уйғонишга давбат этди. **“Элма вазирилар, ҳокимлар чет элга борганида сунъий интеллект иқтисодиёт тармоқлари ривожига қандай ҳисса қўшаётгани, аҳолига, бизнесга нима енгиллик бераётганини кўрапти. Бизда ҳам шуни қилса бўладими? Албатта, бўлади**”, деди Президентимиз ўз нутқида. Бу хитоб орқали давлатимиз раҳбари барча раҳбарлар ва соҳавий мутасаддиларни рақамли жараёнларни томошабин сифатида эмас, фаол иштирокчи бўлиб қўришни истади, назаримизда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллиятнинг уйғонган фарзанди сифатидаги бу фикрлари орқали бутун тизимни уйғоқликка, миллиятни эса рақамли тараққиёт сари фаол қадам ташлашга чорлади.

Санжар ШОМУРДОВ («Халқ сўзи»).

ФУТБОЛ

НАВБАТДАГИ РАҚИБ — ИТАЛИЯ ЎСМИРЛАРИ

Қатарда давом этаётган “U-17” жаҳон чемпионатида нимчорак финал иштирокчилари аниқ бўлди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси мазкур босқичга йўлланма олиш учун хорватиялик тенгдошларига қарши майдонга чиқиб, қийин ва муҳим галабага эришти.



Учрашувни фаол бошлаган Исламбек Исмоилов шогирдлари биринчи бўлимининг 24-дақиқасида Сайфиддин Содиков узатган тўпни Садриддин Ҳасанов бош билан дарвозага йўналтириб, ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда футболчиларимизни тезкор ҳаракатлари билан шошириб қўйган Хорватия ўсмирлари 80-дақиқада мўваозанати тиклади — Тино Кусанович гол муаллифи бўлди. Баҳс тақдирини эса пенальтида сериси ҳал қилди. Унда юртдошларимиз 4:3 ҳисобида галаба қозонди.

Энди кейинги баҳсда И. Исмоилов мураббийлигидаги ўсмирларимиз Европанинг яна бир кучли жамоаси — Италия футболчилари билан куч синашади. Мазкур учрашув 18 ноябрь кuni Тошкент вақти билан соат 17:30 бошланади. 1/8 финал жуфтликлари қуйидагича кўриниш олди: Мексика — Португалия, Швейцария — Ирландия, Марокаш — Мали, Бразилия — Франция, Австрия — Англия, КХДР — Япония, Уганда — Буркина-Фасо.

ФИНАЛДА ИККИ АЗАЛИЙ ЖАМОА ТЎҚНАШАДИ

Хабарингиз бор, Дубай (БАА) шаҳрида “Жаҳон чемпионати — 2026”га йўлланма олган 4 та жамоа — Ўзбекистон, Миср, Кабо-Верде ва Эрон миллий терма жамоалари иштирокидаги “Al Ain Cup” кичик турнири бўлиб ўтмоқда.



Дастлаб яримфиналда Эрон ва Кабо-Верде ўртасидаги баҳсда пенальтилар сериясида форслар галаба қозонган эди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса Мўҳаммад Салоҳ етакчилигидаги Мисрни 2:0 ҳисобида таслим қилди. Вакилларимиз Остон Уруновнинг дубли эвазига зафар қучди.

Уртоқлик мақомидаги турнир соврини учун икки азалий рақиб — Ўзбекистон ва Эрон яна бир бор куч синашади. Ҳар икки жамоа билан рақамли ўрашув ташкилий масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Футболчиларимиз мазкур баҳсда тўлиқ кўк либосда, дарвозабон эса олов рангли либосда ҳаракат қилиши маълум бўлди.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Кулайлик

ЖИЗЗАҲДА «АДОЛАТ УЙИ» ОЧИЛДИ

Жиззах шаҳрида вилоят судлари учун янгидан бунёд этилган маъмурий бино фойдаланишга топширилди. Маъмура замонвий талаблар асосида қурилган бўлиб, 1,56 гектар майдонда жойлашган ва учта асосий қисмдан иборат.

Биноларда вилоят судлари, туманлараро суд, суд департаменти учун хизмат хоналари, суд заллари, адвокат ва прокурорлар хоналари, архив, қутиш заллари, замонавий телекоммуникация хонаси, ошхона, спорт зали, она ва бола хонаси, тиббиёт хонаси, музей ва кутубхона мавжуд.

Маъмурада инсон ҳуқуқлари ҳимояси, қонун устуворлиги, суд очкилиги ва фуқаролар ишончини мустаҳкамлаш принциплари устуворлиги эътиборга олиниб, суд заллари аудио ва видео ёзув тизимлари, видеоконференцлоқа ускуналари ва юқори тезликдаги интернет билан таъминланган. Ҳовли худудида фавворалар, айвончалар ва кенг турароҳлар барпо қилинган.

Улуғбек АДИЛОВ («Халқ сўзи»).

Тошкент вилоятида «Чегарасиз ҳамкорлик» шиори остидаги халқаро «Great Silk Road Business Cooperation Forum — 2025» бизнес форуми бўлиб ўтди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқудов.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.
“Шарқ” навириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.53 Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6